

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДА ДУНЁВИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РЕАЛИЗАЦИИ СВЕТСКИХ ПРИНЦИПОВ В СФЕРЕ МЕДИЦИНЫ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

CERTAIN ASPECTS OF IMPLEMENTATION OF SECULAR PRINCIPLES IN THE HEALTHCARE SECTOR OF NEW UZBEKISTAN

ALIDJANOVA Lazizakhon Abbasovna
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
doctor of philosophy PhD,
Associate professor of the department religious study and
UNESCO in the comparative study of world religions.
lazizaxontiu@gmail.com
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IAU/2026/2/5

Аннотация. Ушбу мақолада Янги Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасида дунёвий тамойилларни амалга оширишнинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилик ҳужжатларида фуқароларнинг виждон эркинлиги, дин ва давлатнинг ажратилганлиги, жамиятда конфессиялараро тотувликни таъминлаш каби қадриятлар мустаҳкам ўрин олган. 2025 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-1037-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса ана шу тамойилларни изчил равишда амалга оширишда ҳуқуқий, маъмурий ва ахлоқий механизмларни белгилаб берувчи муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади. Ушбу концепциянинг 6-боби тўлиқ ҳолда дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган бўлиб, унинг 4-параграфида тиббиёт соҳасига оид дунёвий тамойилларни амалга оширишга алоҳида урғу берилган. Шу асосда, тиббий тизимда дунёвийликни мустаҳкамлаш масаласи нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий, илмий ва маданий нуқтаи назардан ҳам ўта долзарб масала сифатида вужудга келмоқда.

Тиббиёт соҳасида дунёвийлик тушунчаси, умумий қилиб айтганда, тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, тиббий-одоб меъёрларига амал қилиш ва барча қарорлар илмий далилларга таянишини таъминлашга

йўналтирилган. “Дунёвийлик” тушунчаси бу ерда динсизликни эмас, балки ҳар қандай эътиқоддан мустақил ҳолда, инсоний қадриятлар ва илмий ечимларда устувор ёндашувни назарда тутати. Бунда тиббий ёрдам кўрсатишда беморларнинг шахсий танлови, ахборотли розилиги, хабардорлик даражаси ва ҳуқуқий кафолатлари биринчи ўринга чиқади. Шу боисдан ҳам концепцияда қайд этилган тиббиётда дунёвийликни таъминлаш механизмлари фақат ҳуқуқий эмас, балки кенг ижтимоий-ахлоқий ва таълимий ислохотларни ҳам талаб этади.

Калит сўзлар: тиббиёт соҳаси, дунёвий тамойил, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги, “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун, халқ таъботати, соғлом турмуш тарзи.

Аннотация. В Конституции и законодательных актах Республики Узбекистан прочно закреплены такие ценности, как свобода совести граждан, отделение религии от государства и обеспечение межконфессионального согласия в обществе. Закон Республики Узбекистан №3РУ-1037 от 2025 года «Об утверждении Концепции обеспечения свободы совести граждан и государственной политики в религиозной сфере в Республике Узбекистан» является важным стратегическим документом, определяющим правовые, административные и этические механизмы последовательной реализации этих принципов. Глава 6 данной концепции полностью посвящена приоритетным направлениям развития светского государства, а в её 4-м параграфе особый акцент сделан на реализации светских принципов в сфере медицины. На этой основе вопрос укрепления светскости в медицинской системе становится чрезвычайно актуальным не только с правовой, но и с этической, научной и культурной точек зрения.

Понятие светскости в сфере медицины, в общем смысле, направлено на уважение прав граждан на охрану здоровья в процессе оказания медицинских услуг, соблюдение норм медицинской этики и обеспечение того, чтобы все решения основывались на научных доказательствах. Понятие «светскость» здесь подразумевает не отсутствие религии, а приоритетный подход к человеческим ценностям и научным решениям, независимо от каких-либо убеждений. При этом при оказании медицинской помощи на первый план выходят личный выбор пациентов, информированное согласие, уровень осведомленности и правовые гарантии. В связи с этим механизмы обеспечения светскости в медицине, изложенные в концепции, требуют не только правовых, но и широких социально-этических и образовательных реформ.

Ключевые слова: Медицинская сфера, светский принцип, право на здравоохранение, религиозная толерантность, свобода совести, Закон «Об обеспечении

свободы совести граждан и утверждении концепции государственной политики в религиозной сфере в Республике Узбекистан», народная медицина, здоровый образ жизни.

Annotation. This article examines certain aspects of implementing secular principles in the healthcare sector of New Uzbekistan. The Constitution and legislative acts of the Republic of Uzbekistan firmly enshrine such values as freedom of conscience, the separation of religion and the state, and the promotion of interfaith harmony within society. The Law of the Republic of Uzbekistan No. LRU-1037, adopted in 2025 and entitled “On the approval of the concept for ensuring freedom of conscience of citizens and state policy in the religious sphere in the republic of Uzbekistan” constitutes an important strategic document that defines the legal, administrative, and ethical mechanisms for the consistent implementation of these principles. Chapter 6 of this concept is entirely devoted to the priority directions for the development of a secular state, while Paragraph 4 specifically emphasizes the implementation of secular principles in the healthcare sector. On this basis, the issue of strengthening secularism within the healthcare system is emerging as an extremely relevant matter not only from a legal perspective, but also from ethical, scientific, and cultural standpoints.

In the healthcare sector, the concept of secularism generally refers to ensuring respect for citizens' rights to healthcare during the provision of medical services, adherence to medical ethical standards, and the grounding of all decisions in scientific evidence. In this context, the concept of “secularism” does not imply irreligiosity; rather, it denotes a priority approach grounded in human values and scientific solutions, irrespective of any religious belief. In this regard, priority is given to patients' personal choice, informed consent, level of awareness, and legal guarantees in the provision of medical care. For this reason, the mechanisms for ensuring secularism in the healthcare sector, as outlined in the concept, require not only legal regulation, but also broad social, ethical, and educational reforms.

Key words: medical sphere, secular principle, right to healthcare, religious tolerance, freedom of conscience, Law «On the approval of the concept for ensuring freedom of conscience of citizens and state policy in the religious sphere in the republic of Uzbekistan”, traditional medicine, healthy lifestyle.

КИРИШ

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги тамойиллари асосида турли конфессия вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Бироқ, тиббий амалиётда фуқароларнинг эътиқодий қарашлари ва замонавий тиббиёт ютуқлари ўртасида маълум бир тўқнашувлар юзага келиши табиий ҳолдир (Найитметов, 2022: 45-58). Бундай ҳолатларда

давлат ва тиббиёт муассасалари инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, дунёвий ва холис ёндашувни сақлаб қолиши лозим. Диний қарашларнинг тиббий муолажаларга таъсири масаласида энг кўп муҳокама қилинадиган жihatлардан бири бу қон қуйиш (гемотрансфузия) амалиётидир. Хусусан, дунё микёсида кенг тарқалган баъзи диний оқимлар ва жамиятлар, ўзларининг муқаддас китобларидаги кўрсатмаларга асосланиб, инсон организмга бегона қонни киритишни қатъиян рад этадилар. Бундай ёндашув нафақат беморнинг ҳаётини сақлаб қолишда қийинчиликлар туғдиради, балки шифокорлар зиммасига ҳам ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий масъулият юклайди. Шу сабабли, тиббиёт ходимлари ҳар бир беморнинг иродасини инобатга олиши, айти пайтда тиббий зарурият ва қонун устуворлиги ўртасидаги мувозанатни топишга ундамоқда.

Ушбу масалага доир диний манбаларга асосланган мисол сифатида “Иегова шоҳидлари” (Jehovah's Witnesses) диний ташкилотининг қон қуйишга бўлган муносабатини келтириш мумкин. Уларнинг таълимотига кўра, қон қуйиш ёки уни тананинг бирор қисмига юбориш илоҳий қонуннинг бузилиши ҳисобланади. Улар ўз эътиқодларини Муқаддас Китобнинг (Библия) бир нечта оятлари, жумладан, Ибтидо (Genesis) 9:4, Левилар (Leviticus) 17:10 ва Ҳаворийлар ишлари (Acts) 15:28, 29 билан асослайдилар. Масалан, Ҳаворийлар ишлари китобида: «Муқаддас Рух ва биз сизларга қуйидаги зарур нарсалардан ташқари ҳеч қандай ортиқча юк юкламасликни маъқул кўрдик, бутларга сўйилган қурбонликлардан, қондан, бўғилган ҳайвон гўшtidан ва зинодан сақланинг» (Acts 15:28-29), деб кўрсатилган. Ушбу матндаги «қондан сақланиш» иборасини улар нафақат озуқа сифатида истеъмол қилиш, балки тиббий мақсадда қон қуйишни ҳам тақиқлаш деб талқин қиладилар. Бу эса ҳатто ҳаёт учун хавфли бўлган жарроҳлик амалиётларида ҳам донорлик қонидан воз кечишга ва муқобил тиббий усулларни излашга сабаб бўлади.

Ушбу масалалар замонавий тиббиёт соҳасида катта илмий изланишларни талаб этади. Масалан, тадқиқотчи Р.Сингх ва бошқаларнинг таъкидлашича, диний эътиқод туфайли қон қуйишни рад этиш ҳолатлари соғлиқни сақлаш тизимида «қонсиз жарроҳлик» йўналишининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бироқ, вояга етмаган болаларнинг ҳаёти хавф остида қолганда, кўплаб мамлакатлар қонунчилиги ота-онанинг диний қарашларидан қатъи назар, боланинг яшаш ҳуқуқини устувор деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги

Қонунининг 27-моддасида ҳам тиббий ёрдам кўрсатишдан воз кечиш ҳуқуқи белгиланган бўлса-да, агар тиббий аралашув кечиктириб бўлмайдиган бўлса ва шахс ўз иродасини ифодалашга қодир бўлмаса (ёки қонуний вакиллари бўлмаса), тиббий кенгаш қарори билан муолажа амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Демак, диний омилларни ҳисобга олган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш, бир томондан беморнинг шахсий дахлсизлигини таъминласа, иккинчи томондан жамиятда дунёвий ҳуқуқ тизимининг барқарорлигини кафолатлайди.

Бундай ҳолатларда тиббиёт мутахассислари ҳам, жамоатчилик ҳам юксак даражада хабардор, ҳуқуқий жиҳатдан саводли ва ахлоқий жиҳатдан барқарор бўлиши талаб этилади. Бу эса, тиббиёт соҳасидаги дунёвий тамойилларни нафақат қонун орқали, балки таълим, тарғибот, ахборот сиёсати ва ташкилотчилик орқали ҳам амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

УСЛУБЛАР

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун асосида Янги Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасида дунёвий тамойилларни амалга оширишнинг диний ва ҳуқуқий жиҳатларини очиқ беришда қиёсий-манбавий усулдан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати Концепциясида кўрсатилган механизмлар дунёвийликни тиббий тизимда самарали татбиқ этиш учун йўл харитасидек хизмат қилади. Улар орқали тиббий хизмат кўрсатишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, виждон эркинлиги ва шахсий танлов ҳуқуқини ҳурмат қилиш, шу билан бирга жамоат саломатлигига таҳдид солувчи ахборотсизлик ва қарама-қарши қарашларнинг салбий таъсирини камайтириш мумкин.

Тиббиёт соҳасида “дунёвийлик” тушунчаси, мазмунан жуда кенг ва кўпқиррали бўлиб, у нафақат соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилий-ҳуқуқий ёндашувларни, балки тиббий хизмат кўрсатишдаги ахлоқий, илмий ва маданий ёндашувларни қамраб олади. “Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати

концепцияси”да тиббиёт соҳасида дунёвийликнинг аниқ таърифи ва амалга ошириш механизмлари белгиланган бўлиб, бу ҳужжат тиббиёт соҳаси ходимлари, сиёсатчилар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик учун йўл харитаси вазифасини ўтайди. Ушбу концепциянинг 6-боб 4-параграф 28-моддасида тиббиёт соҳасидаги дунёвийлик соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий маданиятни шакллантиришда илмий тадқиқотлар, далиллар, тиббий-ахлоқий қоидалар ҳамда фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари устуворлигига таяниш, деб белгиланган.

Бу таъриф асосида тиббиётда дунёвийлик илмий жиҳатдан исботланган, клиник жиҳатдан текширилган ва жаҳон стандартларига мос келадиган тиббий ёндашувларга таяниш назарда тутилади (Beauchamp & Childress, 2019: DOI: 10.1080/15265161.2019.1665402). Масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб тахминан 20 миллионга яқин бемор илмий жиҳатдан асосланмаган даволаш усуллари ёки “альтернатив” тиббиёт қурбонларига айланмоқда (World Health Organization, 2019: <https://www.who.int/publications>). Ўзбекистонда ҳам айрим аҳоли қатламлари орасида ноилмий муолажаларга ишонч юқори бўлиб, бу ҳолат тиббий хизматларнинг самарадорлиги ва жамоат саломатлиги учун жиддий хавф манбаи бўлиб қолмоқда.

ТАҲЛИЛ

Тиббиётда дунёвийлик, бир томондан, фуқароларнинг шахсий танлов ҳуқуқига ҳурмат билан ёндашишни талаб қилса, иккинчи томондан, тиббий хизмат кўрсатишда аҳоли саломатлигини устувор тамойил сифатида белгилайди. Шу нуқтаи назардан, дунёвий тамойил тиббиёт ходимларининг шахсий эътиқодларидан қатъи назар, беморнинг ҳаёти ва соғлиғини биринчи ўринга қўйиш мажбуриятини белгилайди. Бу эса тиббий этика, қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари асосидаги мураккаб, аммо зарур мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Масалан, тиббиёт ходимлари ўз диний эътиқоди сабабли қон қуйиш, трансплантация ёки репродуктив хизматлардан бош тортишни истаса, бундай ҳолатларда қонун уларга эмас, балки беморнинг ҳаётига устуворлик беради. Концепцияда бу ҳолатлар учун тегишли ташкилий ва ҳуқуқий чоралар кўриш назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чикиб айтиш мумкинки, тиббиётда дунёвийлик бу фақатгина ҳуқуқий талаб эмас, балки илмий дунёқараш, ахлоқий масъулият ва жамият олдидаги бурч ҳамдир. Бу тушунча амалда тиббий қарорлар қабул қилишда беморнинг ҳолатига, мавжуд клиник тавсияларга ва илмий тадқиқотларга асосланиш, тиббий хизматларнинг тенг ва адолатли тақсимланиши, ахборотли розилик асосида тиббий аралашувни амалга ошириш ва жамоат саломатлигини устувор қиймат сифатида белгилаш каби мезонларда ўз ифодасини топади (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш кодекси, 2024). Ушбу тамойиллар умуминсоний ва ҳуқуқий меъёрларга таянади ва бунинг натижасида тиббиёт соҳаси нафақат касб сифатида, балки ижтимоий институт сифатида ҳам ишончли ва шаффоф фаолият юритиши мумкин бўлади.

Тиббиёт соҳасида дунёвийликни таъминлаш механизмлари сифатида Концепциянинг 29-модда а-бандида таъкидланганидек, тиббиёт соҳасида клиник ва илмий тасдиқланган муолажалар ҳамда дори воситаларини қўллаш бўйича қарор қабул қилишда илмий асосланмаган қарашларга ва таъсирларга йўл қўймаслик лозим. Бу талаб соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим устунларидан бири бўлган илм ва далилга асосланган тиббиёт тамойилига мувофиқ келади. Илмий жиҳатдан асосланмаган муолажалар соғлиқ учун хавф туғдириши, беморнинг аҳволини янада оғирлаштириши, вақт ва маблағнинг самарасиз сарфланишига олиб келиши мумкин. Айнан шу сабабли, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бутун дунёдаги давлатларга тиббиётни фақат клиник тавсиялар ва илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда ташкил қилишни тавсия этади (World Health Organization, 2019: <https://www.who.int/publications>). Афсуски, айрим ҳолларда мутахассис бўлмаган шахслар томонидан таклиф қилинаётган “альтернатив” усуллар (масалан, биоэнергетик муолажа, ирим-сирим воситалари, турли дуолар ёки халқ табобатининг илмий асосланмаган турлари) тиббий хизмат сифатида тақдим этилади. Бундай ҳолатлар аҳоли ўртасида ёлғон “умид” уйғотади, тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қилишни кечиктиради, баъзи ҳолларда эса ҳалокатли оқибатларга ҳам олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш кодекси, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни ва бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тиббий хизматлар фақат тиббий таълим олган, лицензияланган мутахассислар

томонидан, тасдиқланган стандартлар асосида амалга оширилиши кераклиги белгилаб қўйилган (O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 1996). Демак, тиббиёт соҳасидаги дунёвийлик нафақат жамиятда илм ва билимга асосланган ёндашувни шакллантириш, балки ҳуқуқий тартиб-интизом орқали беморларни ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради (Sodiqov, 2019: Ziyouz.uz). Қонунчиликда белгиланган талаблардан четга чиқиш тиббий қонунбузарлик ҳисобланади ва бу ҳолатларга нисбатан ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, мазкур механизм нафақат тиббий муассасаларда, балки оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқ, интернет платформаларида ва ҳатто, таълим жараёнларида ҳам қатъий амал қилиниши лозим бўлган қоидалар қаторига киради. Жумладан, баъзи YouTube каналлари ёки ижтимоий тармоқларда “табiiй муолажа” ёки “халқ табобати усуллари” номидаги контент орқали аҳолига нотўғри маълумот тарқатилмоқда. Шу сабабли, мазкур бандини амалиётга жорий этиш учун фақатгина тиббиёт муассасаларининг ўзини эмас, балки кенг жамоатчиликни қамраб олган ахборот сиёсати ҳам юритилиши талаб этилади. Бунинг учун тегишли идоралар, журналистлар, блогерлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш юритиш зарур. Қонуннинг бу банди ижтимоий онгни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тиббий амалиётда “ихтиёрий розилик” принципи замонавий тиббиётнинг муҳим ахлоқий ва ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади (World Medical Association, 2013: <https://www.wma.net>). Бу тамойилга кўра, ҳар қандай тиббий муолажа ёки аралашув беморнинг тўлиқ хабардорлиги, тушуниш қобилияти ва ихтиёрий розилиги асосида амалга оширилиши лозим. Ихтиёрий розилик шахсининг ўз соғлиғи ва ҳаёти юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, унинг шахсий дахлсизлигини таъминлайди ва тиббий ходимлар билан фуқаролар ўртасида ишончли алоқа ўрнатилишига замин яратади (World Medical Association, 2013: <https://www.wma.net>). Концепциянинг 29-моддаси “б” бандида, айнан шу масалага эътибор қаратиб, ихтиёрий розиликка тўсқинлик қилувчи қарашлар ва таъсирлар хусусида жамоатчиликни хабардор қилиш вазифасини давлат сиёсати даражасида белгилаб қўйган.

Баъзи ҳолларда беморлар ёки уларнинг яқинлари ўз диний эътиқодларига таянган ҳолда патологоанатомик тадқиқотлар, операциялар, ҳатто, оддий текширувларни ҳам рад этиш ҳолатлари

кузатилади. Масалан, баъзи жамоалар ўртасида патологоанатомик тадқиқот жасадни таҳқирлаш деб қаралади ва бундай текширувларга рухсат бермаслик ҳолатлари учрайди. Бундай қарашлар ихтиёрий розиликни йўққа чиқаради ва тиббий қарорларнинг илмий-ҳуқуқий асосда қабул қилинишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, баъзи аҳоли қатламларида “табiiй шифо” ёки “ирсий тозалик” каби нотўғри қарашлар туфайли, ҳатто, хавфли касалликларни даволаш ҳам кечиктирилади.

Бундай ҳолатлар нафақат беморнинг соғлиғи, балки бутун жамоат саломатлиги учун хавфли бўлиши мумкин. Айниқса, инфекцион касалликлар, масалан, сил, вирусли гепатит, ОИТС, COVID-19 каби хасталиклар билан боғлиқ ҳолатларда ихтиёрсизлик ва ихтиёрий розиликнинг рад этилиши катта эпидемиологик муаммоларга олиб келиши мумкин. Шу боис, қонун ва концепция талабларига кўра, тиббий муассасалар ва давлат органлари беморлар ва уларнинг яқинларига тушунарли тилда, ҳолис, илмий ва ахлоқий асосланган маълумотларни етказиш, хусусан қандай муолажа амалга оширилаётгани, унинг фойдаси, хавфи, альтернатив усуллар мавжудлиги ва қутилган натижалар ҳақида батафсил ахборот бериш мажбуриятини олади.

Ихтиёрий розиликнинг амалга ошишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари нафақат тиббий, балки алоқага киришувчанлик салоҳиятига ҳам эга бўлиши керак. Улар беморнинг билим даражаси, ёши, дини, маданияти ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мулоҳаза ва ҳурмат билан тушунтириш олиб боришлари шарт. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг ихтиёрий розиликни олмасдан амалга оширган ҳар қандай тиббий аралашуви қонунан жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Замонавий тиббиёт бутун инсоният тараққиётининг муҳим соҳаларидан бири сифатида илмий тадқиқотларга, клиник синовларга ва умумэътироф этилган протоколларга асосланади. Шу билан бирга, айрим аҳоли қатламлари орасида ҳанузгача турли ноилмий ва ҳатто зарарли бўлиши мумкин бўлган муолажа амалиётларига ишонч сақланиб келмоқда. Концепциянинг 29-моддасида айнан шу муаммога эътибор қаратилган бўлиб, тиббий хизматдан фойдаланишда фуқаролар ўртасида илмий ва тасдиқланган усулларга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш, шу билан бирга турли муолажаларнинг етарли самарага эга эмаслиги ҳақида тушунча бериш зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистоннинг баъзи минтақаларида “табiiй усул” деб аталадиган муолажалар кенг

тарқалган. Масалан, асаб тизими касалликларини “дуо ўқиш” орқали даволаш, қўл қўйиб даволаш ёки турли жисмларга дуо ўқиш, ношаръий тарзда ўтказилган “энергетик” тозалашлар жамиятда учраб туради. Афсуски, баъзи ҳолларда бундай усуллар профессионал тиббий ёрдамни ўз вақтида қабул қилишга тўсқинлик қилади, беморнинг ҳолатини оғирлаштиради ва айрим вазиятларда ҳалокатли оқибатларга олиб келади. ЖССТ ҳисоботларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда ноилмий муолажалардан зарар кўрган беморлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса тиббий хизматларга ишончни сусайтириб, соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, жамиятда шифо тушунчаси илмий асосланган, тиббий протоколларга мувофиқ, касбий тайёргарликка эга мутахассислар орқали амалга ошириладиган муолажа эканлигини кенг тарғиб этиш зарур.

Тиббий хизматнинг самарадорлиги фақат унинг амалга оширилишида эмас, балки натижасида инсон соғлиғига фойдали таъсир кўрсатишида ўз ифодасини топади. Концепциянинг 29-моддасида белгиланган г-банди айнан мана шу нуқтаи назардан, тиббий амалиётлар ва тажрибалар инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилиши лозимлигини белгилаб беради. Бу каби механизмлар инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишда асосий кафолат сифатида қаралади ва тиббиёт соҳасида дунёвийликни амалга оширишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Адолатли ва инклюзив соғлиқни сақлаш тизими ҳар бир шахсга, унинг ижтимоий, иқтисодий, диний, жинсий ёки этник мансублигидан қатъи назар тиббий хизматлардан фойдаланишда тенг имконият яратиб бериши лозим (Hayitmetov, 2022:45-58). Концепциянинг 29-моддасида белгиланган мазкур талаб инсонпарвар дунёвий давлат куриш йўлидаги асосий қадамлардан бири ҳисобланади. Тенг имконият бу фақатгина номига мавжуд хизматлар эмас, балки реал эҳтиёжлар, индивидуал ҳолатлар ва шахсий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фуқарога сифатли, манфаатли, арзон ва самарали тиббий ёрдамни тақдим этиш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Аммо, амалиётда турли омиллар, масалан, географик жойлашув, моддий шароит, маълумот етишмаслиги, ногиронлик ёки муҳожирлик ҳолати тиббий хизматлардан тенг фойдаланишда тўсиқ бўлиши мумкин. Шу боис концепция бу масалани алоҳида

хукукий механизм сифатида қайд этиб, тиббий хизматларнинг умумхалқ ва барқарор тарзда тақсимланишини таъминлашни талаб этади. Бунда “бир хил хизматлар барчага” тамойили эмас, “шахснинг эҳтиёжига қараб мослашган хизматлар” тамойили устувордир. Жумладан, қишлоқ аҳолиси учун кўчма диагностика марказлари, ногиронлар учун мослаштирилган тиббий ускуналар, турли тилларда ахборот бериш каби имкониятлар реал тенглик ва адолатни таъминлаш воситалари ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг самарали фаолияти нафақат тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси, балки аҳолидаги тиббий маданият, ишонч, хабардорлик даражасига ҳам бевосита боғлиқ (O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2020). Концепцияда қайд этилган 29-модданинг “е” банди айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жамоат саломатлигига таҳдид солувчи қарашлар, ёлғон ва нотўғри маълумотларни бартараф этиш вазифасини белгилайди. Айниқса, оммавий эмлаш, қон қуйиш, эпидемияларни бартараф этишга қаратилган муолажаларга нисбатан шубҳали муносабат, баъзи ҳолларда, илмий асоссиз рад этиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб туради (UNICEF, 2021: www.unicef.org).

Ўзбекистонда, хусусан пандемия даврида, эмлашга қарши нотўғри ташвиқотлар тарқалиши жамоат саломатлиги учун жиддий хавф солган эди. ЖССТнинг 2021 йилдаги ҳисоботида кўра, баъзи ҳудудларда COVID-19 вакцинасини қабул қилишга тайёрлик даражаси 57% атрофида бўлган ва бу кўрсаткичнинг пастлигига асосий сабаб аҳолининг маълум бир қатлами орасидаги нотўғри тушунчалар ва ёлғон ахборот муҳити бўлган (UNICEF, 2021: www.unicef.org). Бу банд ана шундай муаммоларни бартараф этишга қаратилган профилактик ва тарғибот ишларини амалга оширишга даъват этади.

Бу каби тушунтириш ишлари эҳтиёткорлик, фуқаролик ҳурмати ва диний-ахлоқий ёндашувни талаб қилади. Мутахассислар турли нотўғри қарашларга қарши туришда фақатгина фактларга таяниш билан чекланмай, балки жамиятга таъсир кўрсата оладиган таъсирчан шакллар видеороликлар, инфографикалар, ҳаётий воқеалар асосида тайёрланган лойиҳалар орқали иш олиб боришлари лозим. Бу жараёнда маҳалла, таълим муассасалари, диний арбоблар ва оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этиши зарур.

Ўзбекистонда фаолият юритувчи тиббий муассасалар, хусусий клиникалар, санаториялар ва халқ таъбири марказлари лицензияланган ва илмий

жиҳатдан асосланган хизматларни кўрсатиши лозим. Акс ҳолда, бундай фаолият тиббий қонунбузарлик сифатида баҳоланади ва жавобгарликка тортилади. Қонунчиликда клиник синовсиз дори воситаларини муомалага чиқариш, беморларга “эксперимент” тариқасида текширилмаган муолажа қилиш қатъиян тақиқланган. Давлат санитария назорати ва соғлиқни сақлаш органлари бундай ҳолатларни мунтазам аниқлаб, чора кўриши керак.

Баъзи ҳолларда диний, маданий сабаблар ёки ахборот етишмаслиги туфайли фуқаролар тиббий муолажага ишонмайди, уни рад этади. Шу боис жамоавий тарғибот, жонли мисоллар ва шифо топган беморларнинг шахсий тажрибалари орқали илмий-далилли тиббиётнинг афзалликларини оммавий тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасида йўлга қўйилиши керак. Шунингдек, муайян диний гуруҳлар, фаоллар ёки блогерлар томонидан ҳам тиббий аралашувни рад этишга даъват этувчи чақириқлар кузатилади. Бундай чақириқлар, айниқса оғир касалликлар ёки пандемия пайтида жамоат саломатлиги учун катта хавф туғдиради. Концепцияда бу ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан ташкилий ва ҳукукий чоралар кўриш талаб этилади. Бу каби ҳолатлар жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкинлиги фуқароларга тушунтирилиши, бу борада аҳолининг ҳукукий саводхонлиги оширилиши лозим.

Тиббий фаннинг энг юқори ютуқларидан бири бўлган трансплантация, қон қуйиш, вакцинация каби табдирлар ҳозирги кунда нафақат шахсий балки жамоавий саломатлик ва демографик барқарорлик масаласига айланди. Концепция ушбу соҳаларда диний ёки маданий сабаблар билан рад этиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида кенг тушунтириш ва ташкилий-ҳукукий чоралар кўришни белгилаган.

Қон қуйиш, донорлик, трансплантация каби мураккаб амалиётларда давлат, тиббий муассаса ва жамоатчилик ўртасида юқори даражадаги ишончли муносабатни шакллантириш зарур. Бунинг учун кўплаб соҳа вакиллари, хусусан, журналистлар, диншунослар, шифокорлар ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорликда иш юритиши лозим.

Тиббиёт ходимлари томонидан тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда фармацевтика фаолияти жараёнида ўз эътиқодидан келиб чиқиб, беморларнинг ҳаёти ва соғлиғига, бошқа манфаатларига дахл қиладиган ҳар қандай ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бажаришга, шунингдек бундай ҳатти-ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) чақиришга йўл қўймаслик (Journal of Medical

Ethics, 2021:jme.bmj.com) юзасидан норматив-хукукий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бу масала тиббиёт ходимларининг шахсий эътиқоди ва касбий мажбуриятлари ўртасидаги мувозанатни аниқ белгилаб беради (International Covenant on Civil and Political Rights, 1966). Яъни, тиббиёт ходими шахсий ишонч ёки диний қараш сабабли тиббий ёрдамдан бош тортиши ёки беморга нисбатан ноўрин ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилиши мумкин эмас (Journal of Medical Ethics, 2021). Бундай ҳолатлар бемор ҳуқуқлари, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солади ва жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳар бир тиббиёт ходими ўз касби орқали инсон ҳаётини сақлашни биринчи даражали вазифа сифатида қабул қилиши шарт. Концепцияда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича норматив-хукукий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, бу соҳада аниқ назорат механизмларини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилган.

Шунингдек, Концепцияда халқ табобати инкор қилинмайди. Аксинча, бу соҳадаги амалиётларни тартибга солиш, клиник жиҳатдан хавфсиз усулларни қонун асосида рўйхатдан ўтказиш ва тиббиёт тизими билан интеграция қилиш мақсад қилинган. Халқ табобати тарихий, маданий мерос сифатида қадрланиши мумкин, аммо у фақатгина қонун асосида, лицензияланган, текширилган ва хавфсиз деб топилган ҳолда тиббий муолажаларга қўшилиши мумкин (O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 2018). Демак, халқ табобатини инкор қилиш эмас, балки уни илмий-хукукий асосда ривожлантириш дунёвий тамойилнинг мазмунига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон ҳудудида халқ табобати асрлар давомида шаклланган ва сайқалланган бой илмий-амалий мерос ҳисобланади. Бу соҳа нафақат касалликларни даволаш усули, балки Марказий Осиё цивилизациясининг ажралмас қисми сифатида ривожланган. Халқ табобатининг Ўзбекистон тиббиёти тарихидаги ижобий жиҳатларини таҳлил қилганда, энг аввало, унинг профилактик йўналиши ва табиий неъматларга асосланганлигига эътибор қаратиш лозим. Тарихан юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳакимлар, жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий каби сиймолар халқ табобати тажрибаларини назарий билимлар билан умумлаштириб, жаҳон тиббиётининг пойдеворини яратганлар. Уларнинг асарларида инсон саломатлигини сақлашда овқатланиш тартиби, иқлим шароити ва руҳий ҳолатнинг аҳамиятига катта урғу берилган. Бу эса замонавий «валеология» (саломатлик

ҳақидаги фан) ва «диетология» соҳаларининг илк куртаклари сифатида тарихда қолган.

Халқ табобатининг асосий ижобий жиҳатларидан бири бу доривор ўсимликлардан фойдаланиш маданиятидир. Ўзбекистоннинг флораси доривор гиёҳларга бой бўлиб, аجدодларимиз уларнинг кимёвий таркиби ва таъсир кучини чуқур ўрганганлар. Масалан, кийик ўти, исирик, наъматак ва бошқа ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақидаги билимлар авлоддан-авлодга ўтиб, бугунги кунда фармацевтика саноати учун хомашё базаси бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ табобатида қўлланиладиган муолажаларнинг аксарияти инсон организмга заҳарли таъсир кўрсатмаслиги ва ножўя таъсирларининг камлиги билан ажралиб турган. Бу эса тиббиёт тарихида беморларни кимёвий воситаларсиз, табиий йўл билан соғломлаштириш имконини берган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралда қабул қилинган “Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси” Қонуни инсон ҳуқуқлари, фуқаролик эркинликлари ва дунёвийлик принципларини таъминлашга қаратилган муҳим стратегик ҳужжатдир. Унда тиббиёт соҳасига бағишланган алоҳида механизмлар, дунёвий тамойилларни амалга оширишнинг ҳукукий ва ташкилотчилик асослари ёритилган. Ушбу механизмлар аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизматларнинг сифатини ошириш, жамиятда тиббий маданият ва илмий дунёқарашни шакллантириш, шунингдек шахсий эътиқод ва умумий манфаатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тиббиёт соҳасида дунёвийликни амалга ошириш бу фақат бир соҳанинг ичидаги ислохот эмас, балки кенг жамоатчилик онгини ўзгартириш, ҳукукий маданиятни ошириш, касбий этикани мустаҳкамлаш ва шахс-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро ишончни тиклашга хизмат қиладиган улкан ижтимоий жараёндир.

Тиббиёт соҳасида дунёвийликни амалга ошириш бу бир неча соҳа кесишган нуқтадаги кенг қамровли ҳаракатдир. Бу ҳаракатнинг юраги инсон соғлиғига бўлган ҳурмат, илмий-ахлоқий ёндашувга бўлган садоқат ва жамиятда ақл, билим, далилга асосланган ҳаёт тарзини шакллантиришдан иборат. Қонунни тўлиқ амалга ошириш учун давлат, жамият,

соҳа мутахассислари ва ҳар бир фуқаро масъулиятни ҳис этиши, ҳақиқат ва инсонийлик асосида ҳаракат қилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. (2023). Toshkent: "O'zbekiston".
2. O'zbekiston Respublikasining Qonuni. (2025). O'zbekiston Respublikasida fuqarolarning vijdon erkinligini ta'minlash va diniy sohadagi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risidagi O'RQ-1037-son Qonuni.
3. O'zbekiston Respublikasining Qonuni. (2021). Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risidagi O'RQ-699-son Qonuni. <https://lex.uz/docs/5502624> (<https://www.google.com/search?q=https://lex.uz/docs/5502624>)
4. O'zbekiston Respublikasining Sog'liqni saqlash kodeksi. (2024). Lex.uz.O'zbekiston Respublikasining Qonuni. (1996). Fuqarolar sog'lig'ini saqlash to'g'risidagi 265-I-son Qonuni. <https://lex.uz/docs/25565>
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. (2020). Sog'liqni saqlash tizimini tashkil etishning yangi modeli va davlat tibbiy sug'urtasi mexanizmlarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risidagi PF-6110-son Farmoni. <https://lex.uz/docs/5102521>
6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori. (2018). Xalq tabobati sohasidagi faoliyatni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risidagi 823-son qarori. <https://lex.uz/docs/4006126>
7. Beauchamp, T. L., & Childress, J. F. (2019). Principles of biomedical ethics (8th ed.). Oxford University Press.
8. Council of Europe. (2011). The Strasbourg declaration on Roma and medical ethics. <https://www.coe.int/en/web/portal/home>
9. European Court of Human Rights. (2022). Guide on Article 9 of the European Convention on Human Rights: Freedom of thought, conscience and religion. https://www.echr.coe.int/documents/guide_art_9_eng.pdf
10. Hayitmetov, N. (2022). O'zbekistonda dinlararo munosabatlar va ularning rivojlanish tendensiyalari. Jahon siyosati va xavfsizlik, (3), 45-58.
11. International Covenant on Civil and Political Rights. (1966). United Nations Human Rights Office of the High Commissioner. <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights>
12. Journal of Medical Ethics. (2021). Conscientious objection in healthcare: Theoretical perspectives. <https://jme.bmj.com/>
13. Sodiqov, A. (2019). Tibbiyot huquqi: O'quv qo'llanma. Ziyouz.uz.
14. UNESCO. (1995). Declaration of principles on tolerance. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000101834>
15. UNICEF. (2021). The state of the world's children 2021: On my mind. <https://www.unicef.org/reports/state-worlds-children-2021>
16. United Nations. (1948). Universal declaration of human rights. <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>
17. World Health Organization. (2019). WHO global report on traditional and complementary medicine 2019. <https://www.who.int/publications/i/item/9789241515436>
18. World Medical Association. (2013). WMA declaration of Helsinki: Ethical principles for medical research involving human subjects. <https://www.wma.net/policies-post/wma-declaration-of-helsinki-ethical-principles-for-medical-research-involving-human-subjects/>